Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 18-iyun, payshanba, № 74 (3579)

Юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда она Ватанимиз, Ўзбекистонимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб, барча соҳаларда улкан ютуқларга эришаётганини, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни халқимиз аввалambор Яратганимизнинг марҳамати сифатида шукроналик ва розилик туйғуси билан қабул қилмоқда.

Шу борада эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2015 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 18 июн кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, сабр-қаноат туйғуларини, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни ўзаро яхшилик қилишга, барча миллат ва халқлар билан ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этишга қаратилган кенг кўламдаги савобли амаллар, тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу қутлуғ ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёши улуғ инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг табаррук қадамжолари ва зиёратгоҳларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 16 июн

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

Президентимизнинг 2015 йил 7 январдаги “2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.



Шерзод НАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат

БИР ЙИЛДА 242 УЙ ТЎЙИ

Жиззах вилоятида жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида 690 уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилдан қурилиши бошланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ўтган йиллар давомида Жиззах вилоятида 2 минг 292 оила намунавий лойиҳадаги замонавий уйларга кўчиб ўтди. Бу йил уларнинг сони яна 690 га кўпаяди.

— Ўтган йили тумандаги намунавий уйлар барпо этилган бешта массивда 242 уй тўйлари ўтказилди, — дейди “Нуроний” жамғармаси Жиззах тумани бўлими раиси Карим Соатов. — Элимизнинг удумига кўра, бу тўйларда нуронийлар янги хонадон соҳибларининг шу ерда “палак ёйишини”, юртимизга тинчлик-осойишталик тилаб дуо қилишди. Бу йил насиб қилса, ўтган йилгидан ҳам кўпроқ — 323 та янги уй қурилади. Ҳозир иш қизғин кетмоқда. Демак, яна шунча уй тўйлари бўлади.

Қишлоқни қайта қуриш бошлангандан буён Жиззах туманида 655 та уй қурилди. Вилоят марказига туташиб кетган туманда аҳоли зич жойлашган бўлиб, кўпчилик хонадонда икки-уч оила тиқилишиб яшарди. Ана шундай вазиятда намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилишида ҳудудларнинг демографик хусусиятлари ҳисобга олиниб, миллий турмуш тарзимизга хос жиҳатлар назарда тутилгани янги дастурнинг асосий ютуқларидан биридир. Бу ҳақиқатни янги уйларнинг эгалари асосан ёш оилалар экани ҳам исботлаб турибди.

— Ўғлим Азизбек янги уйга кўчиб ўтганида барчамизнинг бошимиз осмонга етди, — дейди Қўшбармоқ қишлоғидан Нурмат Бегимқулов. — Давлатимизнинг узоқ муддатга имтиёзли кредит эвазига қуриб бераётган ва шароити шаҳарникидан қолишмайдиган бу уйларнинг қадри ниҳоятда баланд. Фарзанду набираларимнинг замонавий баҳаво уйларда яшаётганидан жуда хурсандман. Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Қўшбармоқдаги янги уйларнинг кўпчилигини Нурмат ака каби унинг нархидан қадрини баланд биладиганлар олган. Боиси, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ташкил этилган Қўшбармоқда 80-йилларга келиб аҳоли кўпайиб, шахсий уй-жой қуриш учун кўп йиллар ер участкаси ажратилмагани ёшларнинг шаҳарга кетиб қолишига, қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг камайишига, қишлоқ инфратузилмасининг заифлашувига олиб келган эди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислоҳотлар каби қишлоқ одамлари ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ аҳолисига уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш, намунали лойиҳалар асосида уй-жой қуриш тўғрисидаги тарихий қарорлари қабул қилингандан сўнг ўтган даврда Қўшбармоқ тумандаги обод қишлоқлардан бирига айланди. Намунали лойиҳа асосида қурилган 140 уй қишлоққа нафақат чирой бағишлади, балки унинг инфратузилмасини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Ҳозирги кунда 9 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқда иккита замонавий умумтаълим мактаби, мактабгача таълим муассасаси, қишлоқ врачлик пункти, алоқа бўлими фаолият кўрсатаётир. Йигирмадан зиёд каттакичик савдо дўкони, чойхона, новвойхона, қандолатчилик цехи, сартарошхона, гўзаллик салони, пойабзал устахонаси аҳоли хизматида.

— Бир томони шаҳарга элтадиган катта автойўлга, иккинчи тарафи боғ-роғларга туташ, деразасидан кенг дала кўриниб турадиган замонавий уйда яшашнинг гашти бўлакча, — дейди “Ниятжон Сувонов” фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Аввалбоев. — Тўрт кишилик оиламиз учун барча қулайликлар яратилган. Алоҳида болалар хонаси, ошхона ва меҳмонхонанинг ўртача оилага мослаб қурилганидан ташқари, ҳовли хўжалик фаолияти учун қулай.

Деҳқонга деразадан дала кўриниб турадиган шундай уйлар керак. Ҳовлили, томорқали, зарур хўжалик биноларига эга бундай турар жойга бугун нафақат қишлоқ аҳли, балки шаҳарликлар ҳам ҳавас қилмоқда.

Қўшбармоқдаги янги уй соҳибларидан бири Зафар Ҳакимов ана шу қулайликни ахтариб шаҳарни қишлоққа алмаштирганлардан бири. Қишлоқда яшашни ихтиёр этган тадбиркор фермерлик билан бирга қайта ишлаш корхонаси барпо этди. Янги уйлардан бирини олган шифокор Фозил Хуснаев қишлоқдан туман марказий шифохонасига қатнаб ишлашни афзал кўради. Шаҳарда яшаш имкони бўла туриб, қишлоқни афзал кўраётганлар рўйхати анча узун...

Ишни ҳар ким ўз қарашидан келиб чиқиб, ёшига, касб-корига монанд баҳолайди. Кимга уйнинг далага яқинлиги, шароити шаҳармонандлиги маъқул бўлса, бошқаси фарзандлари замонавий уйда камолга етаётганидан мамнун. Янги массив аҳолисининг бундай турфа фикрлиги уйлар нафақат қишлоқ одамлари ёхуд ёш оилалар, балки барча юртдошларимизнинг яшаши учун қулай лойиҳалаштирилганини кўрсатади.

— Халқимизда “Элга эл қўшилса — давлат” деган мақол бежиз айтилмаган, — дейди “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулчеҳра Маматқулова. — Қишлоғимизда янги турар жойлар қурилиши бошлангандан буён унинг ҳудуди кенгайиб, чиройи кўрган кўзни қувнатадиган даражага келди. Шунинг учун ўтган йили қишлоқ таркибида янги — “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилди. Янги массивда турли инфратузилма иншоотлари, маҳалла гузари барпо этилмоқда. Бу элимизга эл қўшилаётгани, турмушимиз обод бўлаётгани белгисидир.

Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган массивлар нафақат қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, балки аҳолининг турмуш тарзини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Олти йил илгари эзгу ниятлар билан қўйилган пойдевор кўркам ва замонавий иншоотлар бўлиб, фаровонлигимиз белгиси сифатида кўнглимизни тоғдек кўтармоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Бугунги болаларнинг пешонаси ярақлаган авлод, дейишади кексалар. Дарҳақиқат, гўзал диёримизнинг обод қучоғида вояга етаётган ўғил-қизларимиз учун ҳамма шароит муҳайё этилмоқда. Бу фикримизнинг исботини кейинги йилларда тинимсиз равишда обод бўлиб бораётган оромгоҳлар мисолида кўриш мумкин.

ОРОМГОҲ ИШ БОШЛАДИ

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгилаб олинди. Уларнинг таълим олишидан тортиб муайян касб эгаси бўлишини, дам олиш ва соғломлаштирилишини таъминловчи мустаҳкам тизим яратилди. Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг ташкил этилиши бу борадаги ишлар сифатини янада ошириб, масъул ташкилотлар фаолияти уйғунлигини таъминламоқда. Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси” соҳа тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Натижада оромгоҳлар нафақат жисмоний соғломлаштириш, балки фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш масканига айланди.

(Давоми 4-саҳифада).

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ТАРАҚҚИЁТ, ФАРОВОНЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК

замирида тинчлигимиз шарофати намоён


Андижон деганда кўз ўнгимизда, аввало, сўлим табиатга эга серсув замин, унинг тадбиркор, ҳунарманд ва меҳнаткаш одамлари гавдаланади. Бугунги кунда вилоят жуда кўп соҳаларда ютуқларга эришиб келаётир. Бунёдкорлик ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Вилоят марказини пиёда кезгудек бўлсангиз, ўзингизни улкан қурилиш майдонида юргандек ҳис этасиз. Деярли ҳар бир кўчада бир-биридан кўркам иншоотлар барпо этилмоқда. Катта йўл ёқасидаги пана-пастқам бинолар ўрнида муҳташам иморатлар қад ростлаяпти.

— Президентимизнинг 2010 йил 18 июнда қабул қилинган “2011-2015 йилларда Андижон вилояти тураржой массивлари коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кескин кўтарилиш даврини бошлаб берди, — дейди Андижон шаҳри бош архитектори Рустамжон Иминов. — Барча туман марказларида кенг кўламли қурилиш ишлари авж олди. Замонавий шаҳарсозлик андозаларига мос келадиган муҳташам иморатлар, турар жойлар қад ростлади ва бунёдкорликлар бугун ҳам жадал давом этаётир.

Қувонарли жиҳати, Андижон шаҳрида ҳар йили бир-икки кўча замонавий типда қайта қурилиб, фойдаланишга топширилаяпти. Тўрт йил илгари очилган Ўзбекистон кўчасини бугун юртимизнинг барча ҳудудида яхши билишади. Ўтган йил фойдаланишга топширилган Миллий тикланиш ва Истиқлол кўчаларининг чиройи ҳаммани ўзига мафтун этмоқда. Эндиликда сайилгоҳга айланган бу кўчаларда маҳаллий тадбиркорлар томонидан замонавий ва миллий меъморчилик услублари уйғунлашган 96 та объект барпо этилди. Истиқлол кўчасининг икки четида катта-кичик фавворалар, ҳар бир ташкилот, савдо, маиший хизмат шохобчаси олдида яратилган ўзига хос манзаралар кўнгилга завқ беради. Бу ерда дам олувчилар, айниқса, болажонлар учун китоб дўконлари, мўъжаз аттракционлар, музқаймоқ ва салқин ичимликлар кафелари ташкил этилган. Сайилгоҳ ўртасида бунёд этилган йўлак узра терилган анвойи гуллар, манзарали шакллар, ўзбекона безаклар кишини бефарқ қолдирмайди.

Ҳозир шаҳарнинг 17 та кўчасида қурилиш ишлари олиб бориляпти. Бунёдкорлик жараёнида йигирмадан ортиқ қурилиш корхоналари иштирок этмоқда. Хусусан, Олтинкўл ва Чўлпон кўчалари қайта қурилаётир. Сув тармоғи, канализация ҳамда электр тизимлари жаҳон стандарти талаблари асосида барпо этилаяпти. Кўчаларнинг икки четида миллий ва замонавий меъморий ечим асосида турли иморатлар қад ростлаши кўзда тутилганки, яқин келажакда шаҳарнинг янгича қиёфаси ҳар қандай кишининг қалбини ҳайратга солиши шубҳасиз.

(Давоми 2-саҳифада).



Ishonch

2015-yil 18-iyun, payshanba, № 74 (3579), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТАРАҚҚИЁТ, ФАРОВОНЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК

замирида тинчлигимиз шарофати намоён



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ҚЎШМА КОРХОНАДА ЎЗИМИЗНИНГ ЁШЛАР

Маълумки, вилоятда автомобилсозлик саноати алоҳида ўрин тутади. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида 1996 йилда Асака шаҳрида енгил автомобил ишлаб чиқаришга асос солиниши тарихий воқеа бўлди. Ўтган даврда маҳаллийлаштиришга — автомобилларнинг эҳтиёт қисмларини ўзимизда ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратилди. Натижада, ўнлаб қўшма корхоналар нафақат Андижонда, балки бутун Фарғона водийси ҳудудида ташкил этилди, минглаб иш ўринлари яратилиб, маҳаллий ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Шулардан бири Андижон шаҳридаги "UzSaemyung" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси акциядорлик жамиятидир. Касаба уюшма қўмитаси раиси Хуршид Раҳмонов ҳамда муҳандис-технолог Арсен Аджаметов ҳамроҳлигида бу ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, ҳавасимиз ортди.

— Жамоамизда 1149 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Корхона бир йилда 250 минг комплект бензин баклари ишлаб чиқариш қувватига эга. "GM-Uzbekiston" корхонасида тайёрланаётган енгил автомобилларга 100 дан ортиқ бутловчи қисмлар етказиб бераяпмиз, — дейди Арсен Аджаметов. — Ўтган уч йил давомида 247 та иш ўрни очилди. Уларда асосан касб-ҳунар коллежларининг ўзимизда амалиёт ўтаган битирувчилари ишга жойлашаётгани қувонарли.

Корхона билан Андижон машинасозлик колледжи ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бир неча йилдирки, ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиёти чоғида малакали мутахассислардан соҳа сирларини пухта ўзлаштириб, назарий билимларини мустаҳкамлашмоқда. Коллежнинг 2014 йилги битирувчилари Абдулло Акбаров ҳамда Абдуқодир Абдусаломов ўтган йили корхонага ишга қабул қилинди.

Эътиборли томони, ходимларни ҳар томонлама ҳимоялаш, айниқса, аёллар ва ёшларга кенг имкониятлар яратиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

— "Кексаларни аъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси алоҳида эътиборда, — дейди Хуршид Раҳмонов — Шаҳримиздаги "Саховат" уйида яшовчи нуронийларимиздан 27 нафарининг Самарқанд — Бухоро йўналиши бўйлаб саёҳати ташкил этилди. Улар тарихий обидалар ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиб, катта таассуротлар билан қайтишди.

Дарвоқе, яна бир янгилик. Яқинда "Ўзавтосаноат" томонидан таъсис этилган "Мустақиллик кубоги" учун футбол мусобақалари ташкил этилади. Тизимдаги корхоналар жамоалари баҳсларга ҳозирдан жиддий тайёргарлик кўраётир. "UzSaemyung" қўшма корхонаси футбол жамоаси аъзолари ҳам биринчиликни эгаллашга аҳд қилишган.

ИЗЛАНУВЧАН ФЕРМЕРЛАР


Вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Асака туман кенгаши раиси Ҳидоятулло Аҳмедов ҳамроҳлигида тумандаги қатор фермер хўжаликлари фаолияти билан танишиш асносида бунга яна бир бор амин бўлдик.


Асака туманидаги наслли чорвачиликка ихтисослашган "Шарқ баҳодири" фермер хўжалигини бугун наинки вилоятда, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам яхши билишади. Ихтиёржон Бадалов раҳбарлик қилаётган ушбу хўжаликда 2011 йилдан бошлаб Хитой технологияси асосида паррандачилик йўлга қўйилган.

Янгилик сари интилиш, замонавий технологияларни дадиллик билан ҳаётга татбиқ этиш тадбиркор учун муваффақият келтиради. Фермер 2014 йили Германиянинг "Salmet International GmbH" компаниясида ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги технологияни келтиришга эришди. Бунинг учун "Ҳамкорбанк"нинг 5 миллиард сўм миқдоридаги кредити йўналтирилди. Ҳозирда нафақат Ўзбекистонда, ҳатто Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу янгилик кўрган одамнинг ҳавасини келтирмоқда. Айни пайтда махсус мослаштирилган иккита мажмуада 115 минг бош товуқ парвариш қилинаётир. Яна бир махсус мажмуада жўжа боқилаётган экан. Мажмуада иш жараёни тўлиқ компютерлаштирилган. Жумладан, жўжаларга берилаётган озуқа миқдори, вақт оралиғи, ёруғлик, озуқа таркибидаги маҳсулотлар меъёридан тортиб тухумларни конвейерлар орқали йиғиб-териб олишгача бўлган босқичларнинг барчаси автоматик тарзда бошқарилади. Бу ерда бир кунда ўртача 75-80 минг дона тухум етиштирилаётган экан. Хўжаликда 30 га яқин ходим меҳнат қилади.

— Ҳукуматимиз томонидан фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланаётганлиги биз учун айни муддао бўлди, — дейди Ихтиёржон Бадалов. — Яратилаётган шарт-шароитлар боис имкониятларимиз кенгайиб бораяпти, қўлимизни қаерга узатсак етади. Албатта, хўжалигимиз эришаётган натижалар биз учун чегара бўлиб қолмайди. Яқин келажакда товуқ гўштидан маҳсулотлар тайёрланадиган корхона барпо этиш ниятидамиз.

Шу ўринда Андижон вилоятида ер илмини чуқур биладиган, деҳқончиликни замонавий агротехнологиялар билан бирлаштира оладиган, фермер хўжаликларини кўп тармоқлилик асосида ривожлантириб бораётган қишлоқ мулкдорлари сафи кенгаяётганини таъкидлаш зарур. Чунончи, Кўрғонтепа туманидаги Алижон Аҳмедов бош бўлган "Оқсув" фермер хўжалиги томонидан пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, сутни қайта ишлаш соҳаларида





қўлга киритилаётган муваффақиятлар, "Боғи Фурқат" фермер хўжалигида барпо этилган суперинтенсив боғнинг довруғи, Олтинкўл туманидаги "Бахт имкон ривож" фермер хўжалигида хориж селекциясига мансуб қорамолларни парваришлаш борасида тўпланган тажрибалар, Асака туманидаги "Оби ҳаёт ипаги" фермер хўжалиги аъзоларининг иссиқхонадан фойдаланиш ҳамда уруғчиликни ривожлантириш йўлидаги изланишлари ҳар қандай мутахассиснинг ҳавасини келтириши шубҳасиз. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.



"БАРЧИНОЙ"НИНГ ДОВРУҒИ

Хўжаободдаги суҳбат мавзуси маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларига тақалди.

— Яқинда хорижий давлатларнинг бирига саёҳатга бордим, — деб қолди даврадошлардан бири. — Сафар якунланиш арафасида фарзандларимга кийим-кечак харид қилиш учун марказдаги гипермаркетлардан бирига кирдим. Сотувчилари энг сифатли дея кўрсатган трикотаж маҳсулотларининг бир жуфтини анчайин қиммат нархга харид қилдим: матоси сифатли, бичими замонавий, дизайни жудаям бежирим.

Уйга келсам, ўғлим "Дада, чет элдан кийим олиб келиш ўрнига йўл-йўлакай ўзимизнинг Хўжаободдан харид қилибсиз-да", деб қолди кутилмаганда. "Нега ундай дейсан, ўғлим? Буни борган жойимдан кўтариб келдим-а!" дея жаҳлим чиқди. "Қўйсангиз-чи, — деди ўғлим мийиғида кулиб. — Мана, этикеткасига "Барчиной" деб қўйибди-ку..." Шошилишда маҳсулотнинг ёрлиғига эътибор бермаган эканман. Қарасам, чиндан ҳам шундай. Илгари ўзимизнинг туманда фаолият кўрсатадиган "Барчиной" хусусий корхонаси ҳақида билардим-у, у ерда жаҳон андозалари даражасида кийим-кечак тайёрланишидан, маҳсулотларининг хорижга экспорт қилинишидан хабарим йўқ эди. Ишонсангиз, ўзимнинг нодонлигимдан хижолат тортиб бир кулгим қистаса, юртдошларимнинг тадбиркорлигидан фахрландим...

Чиндан ҳам бугун Хўжаобод туманидаги корхоналар, аҳил меҳнат жамоалари хусусида гап кетса, энг аввало, "Барчиной" фирмаси тилга олинади. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонанинг довруғи мамлакатга ёйилган. Катталар ва болалар учун тайёрланаётган 50 турдан зиёд кийим-кечакларнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинаётир. Бу ерда илгари 200 киши меҳнат қилар эди. Ўтган йили ишлаб чиқариш мажмуасининг янги, ёруғ ва кўркам уч қаватли биноси қад ростлади. Замонавий технологиялар асосида, конвейер усулида иш ташкил этиладиган цехларда яна 200 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Қувонарлиси, кейинги йилларда Хўжаобод туманида "Барчиной"нинг изидан бориб, трикотаж маҳсулотлари тайёрлашнинг ҳадисини олган хусусий корхоналар сони 50 дан ортиб кетди. Маҳаллий бозорлардаги сифатли маҳсулотлар хусусида сўз очсангиз, "Албатта, Хўжаобод трикотажларига гап йўқ!" деган жавоб олишингиз шубҳасиз.

Ана шундай замонавий ишлаб чиқариш масканларидан бири Исроилжон Ураимов раҳбарлик қилаётган "Ал-Ҳаким" хусусий корхонасидир. Хитой, Германия, Япония, Италия ҳамда Туркия давлатларидан келтирилган замонавий технологиялар асосида фаолият кўрсатаётган корхонада 85 нафар хотин-қиз меҳнат қилаяпти. Уларга барча қулай ва хавфсиз меҳнат шароити, бепул иссиқ овқат, транспорт хизмати ташкил этилган. Тайёрланаётган 14 хил маҳсулотнинг қарийб 100 фоизи экспортга йўналтирилаяпти. Йилнинг ўтган даврида 3 миллиард 609 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хорижлик харидорларга етказиб берилганлигининг ўзиёқ юртимиз тадбиркорларининг неларга қодирлигини кўрсатаётир.

ТИББИЁТДАГИ ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртларидан бири — Андижон давлат тиббиёт институти ташкил топганлигига 60 йил тўлди. Бу давр ичида тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битгулик ишлар амалга оширилди. Амалий тиббиётга 28 мингга яқин юқори малакали шифокорлар тайёрлаб берилди. Битирувчилар Фарғона водийси, республикамизнинг бошқа вилоятлари ҳамда МДҲ мамлакатларида аҳоли саломатлиги йўлида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Олий ўқув юрти жамоаси тизимдаги даргоҳлар ичида биринчилардан бўлиб, кафедраларда фанлар бўйича таълим стандартларини жорий қилди. Ўқув жараёнига янги педагогик ва интерфаол технологияларни киритди. Моддий-техник база мустаҳкамланди.

Қувонарлиси, мазкур илм даргоҳида ўқиб, мамлакатга танилган инсонлар жуда кўп. Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Светлана Иномова, академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослашган жарроҳлик илмий маркази директори Феруз Назиров, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарлари вазифасида ишлаган Бахтиёр Ниёзматов, Марат Ҳожибеков, шунингдек, академиклар Ринат Акчурин, Виталий Малеевлар (Москва), Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ойшахон Қўчқорова, Онесия Сеитовалар номини фахр билан тилга олиш мумкин. Ҳозирда ҳам илмий изланишлар олиб бораётган, эзгу анъаналар давомчиси бўлаётган профессор-ўқитувчиларимиз, тадқиқотчиларимизнинг муваффақиятлари институт илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилаяпти.

Шуни қайд этиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида илк бор Андижон олимлари тиббиёт профилактикасига йўл очдилар. Улар халқаро стандартлаштирилган усул ва ягона режа асосида кенг қамровли профилактик изланишлар олиб боришмоқда. Институт жамоасида шу соҳада илмий мактаб очилган бўлиб, халқаро миқёсда танилган мутахассислар фаолият кўрсатадилар.

Шу боис ҳам институт ташкил топганининг 60 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция "Профилактик тиббиёт: бугун ва эртага" деб номланди. Унда касалликларни ўз вақтида аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва даволашда самарали усулларни қўллаш, даволаш жараёнига илғор тажрибаларни татбиқ этиш сингари долзарб мавзуларда илмий маърузалар қилинди. Меҳмонлар тиббиёт янгиликлари, хусусан, маҳаллий фармацевтика компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган дорилармонлар, сурункали ноинфекцион ҳамда юрак қон-томир касалликларини даволашда қўлланиладиган жиҳоз ва воситалар, замонавий технологиялар билан танишдилар.

— Ушбу анжуман тиббиёт соҳасидаги олимларни бирлаштирди, — дейди португалиялик профессор Ж. Хенри. — Андижон давлат тиббиёт институти ва клиникасида олиб борилаётган ишлар билан танишдик. Андижон шаҳридаги бунёдкорликлардан ҳам катта таассурот олдик.

БОБУР БОҒИ — ВОҲА ФАХРИ

Андижон шаҳрининг жануби-шарқий қисмида — Боғишамол даҳаси ҳудудида жойлашган Бобур номли халқаро жамоат фонди тасарруфидаги миллий истироҳат боғи ҳозирда нафақат андижонликлар, балки Фарғона водийси аҳлининг севимли масканига айланган. Боғни томоша қилар эканмиз, ҳордиқ чиқариш учун деярли барча шароитга эга масканда одамларнинг мамнун ва хотиржам сайр қилиб юргани, бир пиёла чой устида ҳангомалашаётгани, болажонларнинг турли аттракционларда ўйнаётганига кўзимиз тушди. Фурсатдан фойдаланиб боғ ҳақида тасаввуримизни янада бойитсак.

— Боққа 1992 йили Бобур номи берилган. Ҳудудда шарқона услубда қурилган Арк-дарвоза, Бобур Мирзо ҳайкали, шоирнинг рамзий мақбараси, масжид, "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи барпо этилган, — дейди фонд раиси Зокиржон Машрабов. — Музей фондидан "Бобур" халқаро илмий экспедицияси сафарлари давомида излаб, топиб олиб келинган бобурийлар сулоласи тарихига оид ноёб китоблар, қўлёзма асарлар ва экспонатлар жой олган. Рамзий мақбарага эса 1992-1993 йиллари халқаро илмий экспедиция томонидан Бобур Мирзонинг Агра ва Кобулдаги қабрларидан олиб келинган ҳоки жойланган.

Эътиборимизни тортгани боғдаги осма сим йўли, турли аттракционлар, қатор ресторан ва чойхоналар зиёратчиларга хизмат кўрсатаётгани бўлди. Ҳудудда юртимиз ва дунёнинг турли мамлакатларида ўсадиган турфа хил мевали, манзарали дарахтлар, гуллар, ўсимликлар парвариш қилинмоқда. Фонд раҳбарияти саъй-ҳаракати билан Европа давлатларидан келтирилган зайтун дарахтлари ўстирилиб, Ўзбекистон иқлимига мослаштирилаётгани ҳам диққатимизни тортди.

Бир сўз билан айтганда, боғда мунтазам равишда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилар экан. Хусусан, сўнгги йилларда Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган махсус болалар аттракционлари олиб келиб ўрнатилган. Шунингдек, боғнинг "Туя камар" ҳудудидаги ерлар ўзлаштирилиб, янги экин майдонлари очилди. Бобур боғи Хакан адирликларида жойлашганлиги туфайли сувсизликка чидамли хандон писта, ёнғоқ, бодом, зайтун боғлари барпо этилмоқда.

Ҳозирда Бобур номидаги миллий боғда "Маънавият маркази", "Бобур ва жаҳон маданияти", "Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи" музейлари маънавият ўчоғи сифатида фаолият олиб бориб, ёшларнинг темурийлар ва бобурийлар тарихини ўрганишига, ўзлигини англаш ва маънавий дунёқараши юксалишига хизмат қилиб келмоқда. Бу жойда фонд ташаббуси билан ҳар йили илмий конференция ва семинарлар, турли хил учрашув, ижодий кеча ва концертлар ўтказилади. Яна бир муҳим жиҳати, Бобур номли халқаро жамоат фонди томонидан ЎзФА Астрономия институти билан ҳамкорликда боғнинг энг баланд қисмида "Ёшлар дунёси" деб номланган илмий-маърифий марказ очилган ҳамда ёшларга коинот сирлари ҳақида маълумот берувчи обсерватория қуриб битказилган.

Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг эзгу фаолиятига узоқ тўхталиш мумкин. Биргина "Бобур энциклопедияси"нинг яратилиши фонд фаолиятининг кўламини акс эттириб турибди.

— Буюк сиймоларимиздан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг нисбатан қисқа, аммо кўп қиррали, сермазмун, мураккаб ҳаёти ва фаолияти давомида беқиёс тарихий ва ижодий мерос яратиб қолдирган. Бу меросни илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш, тизимга солиш, изоҳлар билан таъминлаш ва тарғиб этиш мақсадида "Бобур энциклопедияси" нашрга тайёрланиб, "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилди. Бунда, шубҳасиз, фонд жамоасининг ўн йиллик саъй-ҳаракати, ўзбек бобуршунос олимлари қаторида Япония, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон ва европалик олимлар ҳам фаол иштирок этгани эътиборга молик, — дейди Зокиржон Машрабов.

Акмал ТОШЕВ,
Нурулло НЎЪМОНОВ,
"Ishonch" мухбирлари



Хурсандбек АРАББОЕВ, Рустамжон ЭШОНОВ олган суратлар

ДАВРА СУҲБАТИ

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатида иштирокчилар эътибори мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш соҳасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, бу борада эришилаётган ютуқ ва натижаларга қаратилди.

БОЛАЛАР ЭЪТИБОРДА

Тадбирда бирлашма раиси Р.Жабборов сўзга чиқиб, истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик тизими шаклланган ва унга қатъий амал қилинаётганини таъкидлади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг 138-, 182-Конвенциялари ижросини таъминлаш юзасидан ҳам қатор ишлар қилинаётир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган махсус дастур асосида жорий йил январ – апрел ойларида ХМТ Конвенциялари, ходимлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, касаба уюшмаларига сайланган вакилларга берилган имтиёзлар, ходимларни, жумладан, аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини янада яхшилашга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил қилинди. Бу каби тадбирлар давом этади.

Бирлашманинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Нигора Полвонованинг мавзуга оид тақдимоти иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўз мухбиримиз

***

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган давра суҳбатида Қорақалпоғистон Республикасидаги вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Республика касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши раиси Улуғбек Жалменов тадбирни очар экан, мамлакатимизда муносиб меҳнат шароити яратиш, меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш йўлида тизимли ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилаётгани хусусида сўз юритди. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими ва ички ишлар вазирликлари вакиллари сўзга чиқиб, мавзуга оид фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

— Ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ва кўнгилли ўтказишни ташкил этиш фаолиятимизнинг асосий жиҳатларидан бирига айланди, — дейди маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Асан Ниетуллаев. — Бу борада манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда турли маданий-маърифий, спорт тадбирлари мунтазам ўтказилаётир. Туман ва қишлоқларимиздаги маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошидаги тўгараклар кўпайиб, қизиқувчи ёшлар сафи кенгайиб бораяпти.

Ортиқбой МАМУТОВ,
"Ishonch" мухбири

КОНФЕРЕНЦИЯ

ИШОНЧ ОРТМОҚДА

Қарши шаҳрида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят ташкилотларининг конференцияси бўлиб ўтди.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Шодмон Кубаев вилоят ташкилотларининг 2013 йил февраль ойидан 2015 йил июн ойига қадар фаолияти юзасидан ҳисобот берар экан, жумладан, шундай деди:

— Корхона, ташкилот ва муассасаларда "Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар" мавзусида давра суҳбатларининг ҳар йил ўтказиб борилиши муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиб бориш имкониятини яратди. Касаба уюшма органларида "Ишонч телефонлари" ва интерфаол хизматларнинг самарали йўлга қўйилгани ҳам мавжуд муаммоларни тезкорлик билан жойида ҳал этишга кўмак бераяпти.

Эътиборли томони, жамоа келишуви ва шартномаларига киритилаётган қўшимча имтиёзлар йилдан-йилга ортиб бораётир.

Музокаралар жараёнида тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов, Китоб туман кенгаши раиси Баҳриддин Эгамбердиев, Қарши давлат университети талабаси Азиза Абдиева, Муборак ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи кафедра мудири Нодира Умирова ва бошқалар сўзга чиқиб, касаба уюшмаси ходимнинг энг асосий суянчи ва таянчига айланаётганини таъкидлашди.

Анжуман сўнггида юқори органлар конференция ва Қурултойига делегатлар сайланди.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 18-iyun, payshanba, № 74 (3579), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КЎРИК-ТАНЛОВ



"Навоийазот" АЖда ўтказилган "Йилнинг энг фаол ёш кимёгари" кўрик-танловида 6 нафар мутахассис иштирок этди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Уларнинг корхона тараққиётига хизмат қилувчи инновацион ғоялари, илмий-техник лойиҳа, ихтиро ва таклифлари ўрганиб чиқилди. Якуний натижага кўра, тез эримайдиган хлорли таблеткалар ишлаб чиқаришда реакцион аралашмаларни қиздириш усули лойиҳаси учун Бекзод Шералиев биринчи ўринга сазовор бўлди. Электроэрразион ишлов берувчи қурилма лойиҳаси билан Жасур Ортиқов иккинчи, долзарб лойиҳалари билан иштирок этган Алижон Жалилов учинчи ўринни эгаллади.

Барча иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Баҳром ҚУВВАТОВ,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси
Ёшлар кенгаши масъул котиби

***

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳридаги 10 та туман кенгашлари тасарруфидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик танловининг туман босқичлари бўлиб ўтди.

Тегишли комиссиялар касаба уюшма аъзолари 100 нафаргача бўлган 36 бошланғич ташкилот ва аъзолари 100 нафардан ортиқ бўлган 76 бошланғич ташкилотлар тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ғолибларни аниқлаб бердилар.

Туман босқичи ғолиблари диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланди. Улар энди Тошкент шаҳар босқичида иштирок этади.

Эътиборли томони, музкур кўрик танловга кичик бизнес корхоналарида ҳам қизиқиш ортиб бормоқда.

Д.АҲМЕДОВ,
Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди «Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзуида

ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:

1. Ўсиб келаётган ёш авлодда ўзидан катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат каби инсоний фазилатларни, она юртга, ўз халқига чексиз муҳаббат ва садоқатни шакллантириш.

2. Оилада, жамиятда ёши улуғларнинг ўрнини, қадрини, обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ўз ота-оналарига, жумладан, ҳар бир нуронийга нисбатан чуқур ҳурмат ҳамда ғамхўрлик руҳида тарбиялаш.

3. Ёшларнинг туғилиб ўсган юрти, унинг маданияти ва меъморий обидалари ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида амалга оширилган ишлар, жумладан, экскурсия уюштириш, буклетлар чоп қилиш, стендлар ташкил этиш ва ҳоказолар.

4. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг давлат ҳамда жамият қурилиши борасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақидаги хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

5. Ёш авлоднинг фан ва санъатга бўлган иштиёқини янада ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг республика ҳамда халқаро танловларда, олимпиадалар ва мусобақаларда иштирокини таъминлаб, интеллектуал салоҳиятларини намойиш этишида рағбатлантириш.

6. Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада кенгайтириш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда яшовчи ёшларни соғлом турмуш тарзи бўлган спортга жалб этиш учун шароитлар яратиш.

7. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатлардан, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан асраш.

8. Ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва ажралишларнинг, оиладаги ижтимоий-психологик муаммоларнинг олдини олиш, ирсий ва туғма касалликлар профилактикаси бўйича уларнинг билимларини юксалтириш, ёшларда соғлом, мустаҳкам оилани барпо этишга бўлган интилишни шакллантириш.

9. Соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий, тиббий-маслаҳат тадбирларини ташкил этиш, ёш оилаларга эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

10. Миллий қадриятларни сақлаш ва янада мустаҳкамлашда, жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш.

11. Ёшларни, жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, айниқса, қишлоқ жойларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш.

12. Жисмоний имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни спортнинг турли машғулотларига, фан ва санъатга жалб қилишнинг амалий чораларини кўриш.

13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. *www.fundngo.uz* сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уйда жойлашган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди»** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди «Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш» мавзуида

ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатда амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чоралар ҳақида аҳоли хабардорлигини таъминлаш, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишда фуқаролар фаоллигини ошириш.

2. «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти ҳамда мазкур қонун меъёрларининг жойларда бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

3. Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини ошириш, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасида ННТ фаолиятини ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан экологик назоратни амалга ошириш амалиётини ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш.

4. Кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш ва жамоат экологик назоратини амалга ошириш орқали атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш.

5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, унинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни шакллантириш.

6. Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ҳашарлар, турли тадбирлар ва акциялар ўтказиш орқали маҳаллаларда санитария-экологик вазиятни яхшилаш соҳасида аҳолининг жамоавий фаоллигини ошириш.

7. Кўчалар ва тураржой мавзеларининг ташқи қиёфасини, санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича вазифаларни ечишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ахамияти ва ўрнини ошириш.

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамоат экологик назоратини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини ошириш.

9. Экологик тоза ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобига табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва қайта тикланувчи экологик тоза муқобил энергия манбаларини татбиқ этиш.

10. Атроф-муҳит ифлосланиши даражасини камайтириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича технологияларни жорий қилиш.

11. Экологик ҳалокат — Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик номақбул ҳудудларида экологик ҳолатни қайта тиклаш ва соғломлаштириш.

12. Экологик таълимни ривожлантиришга, экологик билимларни тарғиб қилишга, аҳолининг экологик маданиятини оширишга, экологик муаммоларни ҳал қилишга аҳолининг турли қатламларини кенг жалб этиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. *www.fundngo.uz* сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, «Бунёдкор» шоҳ кўчаси, 1-уйда жойлашган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди»** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Реклама ва эълонлар

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!
ИКСЕЗ хокимията Навоийской области ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ!

По объекту: **Лот №24-1. «Административное здание управления внебюджетного пенсионного фонда Навоийской области» (перерасчет)**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 1 616 363 513 сум, с НДС 1 939 363 215 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **5 месяцев.**

Лот №24-2. «Строительство здания внебюджетного пенсионного фонда г.Зарафшан Навоийской области» (пересчет).

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 619 954 314 сум, с НДС 743 945 177 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **4 месяцев.**

Заказчик **ИКСЕЗ хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий 63.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета.**

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

Управления капитального строительства и эксплуатации Министерства обороны Республики Узбекистан ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ.

На объект: **«Капитальный ремонт банно-прачечного комбината 523 БМПР г.Навои».**

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 682 008 413 сум, с НДС 818 410 096 сум.**

Срок завершения строительства **2 месяца.**

Заказчик **Управления капитального строительства и эксплуатации Министерства обороны Республики Узбекистан.**

Расположенный **г.Ташкент ул.Университетская 1.**

Финансирование осуществляется **за счет средств МПР.**

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса).

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 225-49-96, 225-47-98

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия, 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Х.Дустлиги, 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления. (дату и время сообщим дополнительно).

Услуги лицензированы.

Аукцион савдолари хабарномаси!
«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2015 йил 23 июл куни соат 11: 00 да ташкил қилинадиган савдоларга Ромитан тумани ҳокимлиги ҳисобидаги 2004 йилда и/ч ГАЗ-3102-121 русумли д/р 80/190 NAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 8 992 723 (Саккиз миллион тўққиз юз тўқсон икки минг етти юз йигирма уч) сўм.

II. 2015 йил 23 июл куни соат 12: 00 да ташкил қилинадиган савдоларга «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Қоровулбозор филиали ҳисобидаги 2007 йилда и/ч МИДИБУС SAZ NP21 русумли д/р 80/631 GAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 47 970 000 (Қирқ етти миллион тўққиз юз етмиш минг) сўм.

III. 2015 йил 23 июл куни соат 14.00 да ташкил қилинадиган савдоларга «Агробанк» АТБ Бухоро вилоят ҳудудий филиали ҳисобидаги 2010 йилда и/ч МАТИЗ русумли д/р 80/ 277 JAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 18 505 778 (ўн саккиз миллион беш юз беш минг етти юз етмиш саккиз) сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2015 йил 22 июл кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

2015 йил 23 июл кунида аукцион савдолари бўлиб ўтмаган мулк бўйича такрорий аукцион савдолари 2015 йил 30 июл кунида ташкил қилинади.

2015 йил 30 июл кунидаги савдо учун буюртманомалар 2015 йил 29 июл кунига қадар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali. СТИР: 302523082, МФО 00115, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali.

Манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24.

E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

«Universal Realtor» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади: "Bog'bon" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод ҚФЙ ҳудуди 3,2 га ер майдони участкасида жойлашган 1000 туп олхўри (испаренцки) дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар. Бошланғич баҳоси — 2 200 000 сўм;

"Abdunazar-madad" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Қипчоқ ҚФЙ, Қипчоқ МФЙ ҳудуди 10 га ер майдони участкасида жойлашган 1966 туп олхўри, 955 туп бодом дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 7 800 000 сўм.

«Qibray-Sulton baraka» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани Қипчоқ ҚФЙ Ҳосилдор кўчаси ҳудуди 5,4 га ер майдони участкасида жойлашган 410 туп олма, 937 туп олхўри дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 8 370 000 сўм.

Аукцион савдолари 2015 йил 21 июл куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй савдо ташкилотчисининг 2-қаватида жойлашган савдолар залида ўтказилади.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда расмий иш кунлари соат 10:00дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 20 июл куни соат 15:00да тўхтатилади. Ушбу кунда сотилмай қолган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 28 июл, 4-,11-,18 август кунлари соат 11:00да юқорида кўрсатиб ўтилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 27 июл, 3-,10-,17 август кунлари соат 15:00да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан кўчмас мулк объекти ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг олди-сотди шартномасини тузиши лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг кўчмас мулк объекти ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖнинг ОАТБ «Капитал банк» Тошкент шаҳар филиалидаги МФО-00445, СТИР-302269399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси. "Abdunazar-madad" фермер хўжалигига қарашли кўчмас мулк бўйича аукцион савдоси ғолиби томонидан савдо ташкилотчисига мулк сотилиш баҳосидан 6 фоиз миқдорида комиссион тўлов тўлаб бериш мажбурияти юклатилади.

Қўшимча маълумот олиш манзили: «Universal Realtor» МЧЖ 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон 150-35-55 Факс: 23674-67 www.realtor.uz E mail universal.realtor@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2015 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1	Гулистон шаҳар прокуратураси маъмурий биносини реконструкция қилиш	944 247 629 сўм	786 873 024 сўм	150 кун
2	Лот 29-1.Мирзаобод тумани прокуратурасининг маъмурий биносига ўтиш назорат пункти (КПП), айвон, ёнғинга қарши сув ҳавзаси, темир панжарали тусиқ қурилишлари ва ободонлаштириш ишлари.	183 801 935 сўм	153 168 279 сўм	3 ой
3	Лот 29-2.Боёвут тумани прокуратураси маъмурий биносини капитал таъмирлаш	316 302 115 сўм	263 585 096 сўм	4,2 ой

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бюджетдан ташқари фонди ҳисобидан.

Буюртмачининг манзили: — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М. Аҳтамова кўчаси, 30-уй. Тел.: 0 (3672) 27-63-86

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

2014 йилнинг 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади. Бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда, қурилиш пудрат ташкилотлари Реестрига киритилмаган ташкилотларнинг танлов савдоларда иштироки тавсия хусусиятига эга ҳисобланади.

- Бошланғич қиймати 500,0 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига устунлик берилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Гулистон шаҳри, М.Аҳтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. (факс): (0 3672) 27-64-42


Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи 112 740 сўм.

Таклифлар (Офертлар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офертларни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офертлар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда эълон берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази биносида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА



Меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу эса тизим ходимларини янада масъулиятли бўлишга ундайди.

ИШГА ТИКЛАНДИ

Поп тумани Чодак ҚВП ҳамшираси Маҳмуда Мирасланова ҳамда Наманган тумани Ўзбекистон ҚВП ҳамшираси Ҳилола Пўлатованинг меҳнат шартномаларини ноқонуний равишда бекор қилинганидан норози бўлиб ёзган аризалари бўлимимиз томонидан ўрганилди.

Ўрганиш давомида қонунбузарлик ҳолати бўйича Поп туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон ҚВП мудирига тақдимнома киритилди. Натижада, ҳамшираларга ўз ишига қайта тикланди.

Мавлон ЗАРИПОВ,
Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи юристконсулти

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Раҳматилла Ражабовга набираси **АЗАМАТ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2015-yil 18-iyun, payshanba, № 74 (3579), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

МУСОҲАБА

ФАЗИЛАТЛИ КУНЛАР ШУКУҲИ

Муқаддас динимизнинг энг муҳим арконларидан бири адо этиладиган Рамазон ойи кириб келди. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 16 июнда қабул қилинган "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарорига биноан эзгулик ва меҳр-муҳаббат, хайр-саховат ва шукроналикка йўғрилган мазкур фазилатли ойни юртимизда кўтаринкилик, ҳамжиҳатлик билан ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Шу муносабат билан Дин ишлари бўйича қўмитанинг масжидлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Муҳаммадбобур Йўлдошевга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Домла, маълумингизким, истиқлол шарофати билан миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган муқаддас динимиз ва қадриятларимизни тиклаш, ҳар томонлама ривожлантириш масаласига доимий эътибор берилмоқда...

— Таъкидлаганингиздек, истиқлол шарофати билан юртимизда миллий-диний қадриятларимиз тикланиб, диний маросим ва ибодатларни мукаммал адо этиш, Рамазон, Қурбон ҳайитларини байрам қилиш, фазилатли кунлар шарофатидан баҳраманд бўлишга кенг йўл очилди. Диний байрамларимизнинг дам олиш куни деб эълон қилиниши ҳам мусулмонларга ҳурмат ва эҳтиром нишонасидир. Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқиб, муборак Ҳаж ва Умра зиёратларига бориш имкониятига эга бўлдик. Диний адабиётларни нашр этиш ва бошқа кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Бунинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Шукрлар бўлсинки, тинч ва осуда диёримизга яна муборак Рамазон ойи кириб келди. Шу муносабат билан Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг қўшма дастури ишлаб чиқилиб, ижро учун жойларга етказилди.

— Улуғ ойда рўза тутиш баробарида, бошқа хайрли амаллар ҳам кўзда тутилган. Масалан, закот, фидя, фитр каби амалларнинг моҳияти билан ҳамма бирдек таниш эмас. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Республикамизда 2039 та масжид фаолият кўрсатаётир. Уларда ушбу амаллар ҳақида атрофлича тушунча бериш анъана тусини олган. Рамазон ойи муносабати билан закот, фитр садақаси ва фидя миқдори мусулмонлар идораси фатво бўлими томонидан ҳисоблаб чиқилди. Унга кўра, 1 грамм тилланинг бугунги кундаги бозордаги ўртача нархи 84.000 (саксон тўрт минг) сўм экани эътиборга олиниб, 85 гр. тилла ҳисобидан закот нисоби 7140000 (етти миллион бир юз қирқ минг) сўм бўлиши ва мазкур суммадан қирқдан бир ҳисса, яъни 178500 (бир юз етмиш саккиз минг беш юз) сўм закот чиқариш маъқулланди.

Фитр садақаси миқдори вилоят, шаҳар ва туман бозорларидаги 2 кг. буғдой нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Масалан, 2015 йилда Тошкент шаҳри бозорида 1 кг. буғдойнинг нархи ўртача 1600 сўм бўлса, демак 2 кг. буғдой нархи 3200 сўм (ҳар бир киши учун) бўлади. Фидя узрли ҳолда рўза тута олмайдиганлар, масалан, жуда кексайган киши, рўза тутиши сабабли соғлиғига жиддий зарар етадиганлар, ҳарбий, шахтёр, новвой кабилар учун бир ночор одамнинг бир кунлик озиқ-овқати баробарида бўлиб, бу йилги миқдор ўртача 10000 (ўн минг) сўмни ташкил этади.

— Закот ва шу каби бошқа амаллар нега буюрилганига эътибор қаратсак, улар асосида инсонларнинг бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатиши, мискину мусофирлар эҳтиёжманд бўлиб, арзимаган моддий манфаат туфайли турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги, қолаверса, орттирилган бойлик ё қилинган амални иҳоталаш кўзда тутилганига гувоҳ бўламиз...

— Бу амаллар жамланиб, молиявий ибодат дейилади. Рамазон нафақат рўза ёки ибодат, балки хайр-эҳсон ва саховат ойи ҳамдир. Диний манбаларда закот, фитр садақа, фидя, каффорат бериш ишлари ҳам шу муборак ойда адо этилса, савоби зиёдаси билан ёзилиши қайд этилган.

Биргина закотни олайлик. У бой одамлар зиммасидаги фарз. Закот бериш молиявий имконияти бор мусулмон кишига Аллоҳ таоло томонидан фарз қилинган амал бўлиб, Исломдаги беш рукндан бири. Закот иккинчи ҳижрий санада Мадинада фарз қилинган. У ҳақда Қуръони каримнинг 27 ўрнида намоз билан баробар зикр қилинган. Шунинг учун у молиявий ибодат ҳисобланади. Закотда уни берувчисига ҳам, олувчисига ҳам, улар яшаб турган жамият аъзоларига ҳам кўплаб дунёвий ва ухровий манфаатлар мавжуд. Закотдан асосий мақсад ижтимоий ҳаётда бир қадар тенгликни таъминлашдир. Савоби мукаммал бўлиши учун уни муносиб ўринга бериш муҳимдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда закот бериладиган ўринларни аниқ қилиб берган: ***"Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошно қилувчи (ғайри динлар), қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига (мусофирга бериш) Аллоҳ (томонидан) фарз (этилди). Аллоҳ илмли ва ҳикматли зотдир".***

Айни пайтда, юртимизнинг турли билим юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув шартномаси тўловларига ёрдам бериш муносибдир. Зеро, улар юртимиз учун келажакда етишиб чиқаётган мутахассислардир. Шунингдек, уни боқувчисини йўқотган, бева-бечора, "Саховат", "Мурувват" ва "Меҳрибонлик" уйларига бериш мақсадга мувофиқ.

Рамазон ойи йилда бир марта келгани учун фуқаролардан рўза ва бошқа амалларга доир кўплаб саволлар тушади. Бунда ЎМИ фатво бўлими жавоб беришга тайёр эканлигини маълум қиламиз ва (+998-71) 240-35-20 телефон рақамига сим қоқиш орқали саволларга жавоб олиш мумкинлигини эслатиб ўтамиз.


Юртдошларимизга, айниқса, ёшларга инсонпарварлик, ўзаро меҳр-оқибат, маънавий поклик ва ватанпарварлик фазилатларини сингдириш баробарида, турли ақидапараст оқимлар ва сохта иддаолардан огоҳ бўлиб, улуғ ойни диний ва маънавий қадриятларимизга муносиб ўтказайлик.

"Ishonch" мухбири
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди

ЛАМ ВА ОДАМ

АҚШнинг Aira стартапи кўзи ожиз ёки яхши кўрмайдиган одамларга махсус ўқитилган ассистентларнинг аудиокўрсатмалари ёрдамида шаҳар бўйлаб ҳаракатланиш имконини берадиган сервисни ишлаб чиқди. Компания сайтида ёзилишича, сервисдан фойдаланиш учун Google Glas кўзойнаклари керак бўлади.

Кўзи ожизлар учун махсус кўзойнак



Сервис ҳозирда синовда бўлиб, 2016 йилнинг биринчи чорагида оммавий фойдаланиш учун чиқарилади. Aiгадан фойдаланиш учун Google Glas кўзойнакларини сотиб олиш шарт эмас, улар ойлик обуна доирасида фойдаланувчига тақдим этилади.

Фойдаланувчи кўзойнакни тақиб, сервисни ишга туширганидан сўнг, ассистент видео орқали, шунингдек, бошқа технологиялар ёрдамида унинг қаерда тургани, бу ҳудуддаги йўл қатнови ҳолати, яқин орада фойдаланувчига маъқул келиши мумкин бўлган жойлар рўйхатини олади.

Тизим фойдаланувчининг касаллик тарихи, фавқулодда вазиятларда ишонган одамлари алоқа маълумотлари, шунингдек, маъқул кўрган нарсалари — қаҳвахоналар, энг кўп борадиган жойлари, қизиқишлари ва одатлари ҳақидаги маълумотларни батафсил тўплаб боради.

Кўзи ожиз ёки яхши кўрмайдиган фойдаланувчига яқин қариндоши, бирор кўнгилли ёки Аiганинг ходими ассистентлик қилиши мумкин. Уларни ўқитиб, фаолиятга тайёрлаш мажбуриятини компания ўз зиммасига олади.

Инсоният Марсда яшайди(ми?)



Олти олимдан иборат гуруҳ Гавайи оролларида 8 ой давом этган Марс тажрибасини якунлади. Бу ҳақда НАСА агентлиги хабар тарқатди.

Кўнгиллилар гуруҳи 2014 йилнинг 15 октябридан 2015 йилнинг 13 июнига қадар бир вақтнинг ўзида ҳам Марсга учиб кетаётган космик кема, ҳам Марсдаги база вазифасини бажарган изоляциядаги гумбаз ичида яшади.

Мажмуа уйқудаги Мауна-Лона вулқони ён-бағирларида қурилган эди. Ташкилотчиларнинг фикрича, тажриба иштирокчилари гумбаздан ташқарига чиққанларида вулқон рельефи уларга Марс манзараларини ёдга солиши керак эди (улар гумбаздан фақат сканфандрда чиқишлари мумкин бўлган).

Тажрибадан кўзланган асосий мақсад Марсга йўл оладиган фазовий кема экипажига таъсир қилиши мумкин бўлган когнитив, ижтимоий ва руҳий омилларни таҳлил қилишдан иборат эди.

Инсоннинг Марсга мўлжалланган узоқ муддатли экспедицияга руҳий ва жисмоний тайёргарлигини текширишга қаратилган энг узоқ муддатли тажриба "Марс-500" ҳисобланади. Москвада ташкил этилган, 520 кун давом этиб, 2011 йил ноябрида якунига етган ушбу тадқиқотда уч россиялик, бир француз, бир италян ва бир хитойлик қатнашган эди.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

Спорт янгиликлари

БОКС



Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт саройида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида вакилларимиз 7 та олтин ҳамда 6 та кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ

Эътиборлиси, қитъанинг умидли ёш чарм қўлқоп усталари иштирокида бўлиб ўтган мазкур жаҳон чемпионатида мамлакатимиз вакиллари барча вазн тоифасида ҳал қилувчи финал баҳсларида рингга кўтарилдилар.

Муросасиз кечган жанглар якунига кўра терма жамоамиз ҳисобига олтин медалларни Баҳодир Баратов (-48 кг.), Билолбек Мирзараҳимов (-57 кг.), Тимур Мержанов (-63 кг.), Яҳёхон Саидхонов (-70 кг.), Қосимхон Қосимов (-75 кг.), Аббосхон Мирзаабдуллаев (-80 кг.) ва Просфор Роримша (+80 кг.) келтирди.

Финалга қадар кечган жангларда ғалаба қозонган Ҳалимбек Утегенов (-46 кг.), Жаҳонгир Раҳмонов (-50 кг.), Муроджон Алиев (-52 кг.), Саиджамшид Жафаров (-54 кг.), Темурбек Саъдуллаев (-60 кг.) ҳамда Дилшодбек Рўзметов (-66 кг.) кумуш медал совриндори бўлди.

Шу тариқа, умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон биринчи, қозоғистонликлар иккинчи, Япония терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

ДЗЮДО



Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро турнирда полвонимиз Яҳё Имомов (81 кг.) барча рақиблари устидан ғалаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

ЯҲЁ ПОЛВОН — ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Саралаш босқичида Венгрия, Болгария, Германия терма жамоаси аъзоларини енгган ҳамюртимиз ярим финал беллашувида россиялик Станислав Семеновни муддатдан олдин мағлуб этди. Ҳал қилувчи финал баҳсида 2013 йилги жаҳон чемпионати совриндори Адам Смит (Франция)га қарши татамига чиққан Яҳё Имомов яна бир бор ўз маҳоратини намоён этди ва муҳим ғалабани қўлга киритди.

Мазкур халқаро турнирнинг дастлабки кунги беллашувларида терма жамоамиз аъзоси Шарофиддин Лутфуллаев (-60 кг.) бронза медал совриндори бўлганди.

ЭРКИН, ЮНОН-РУМ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР КУРАШИ



Ҳиндистонда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатимизнинг ёш спортчилари муносиб иштирок этиб, иккита олтин, тўртта кумуш ва еттита бронза медални қўлга киритдилар.

МУНОСИБ НАТИЖА

Юнон-рум кураши бўйича 69 кг.гача бўлган полвонлар ўртасида ўтказилган беллашувларда Абубакр Алимов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпиони бўлди. Ўз вазн тоифасида Маҳмуд Баҳшуллаев кумуш, Достонбек Турсунбоев ва Тўрабек Тиркашев бронза медални қўлга киритди.

Хотин-қизлар кураши бўйича баҳслар ҳам спортчиларимиз учун омадли бўлди. Вазни 60 кг.гача бўлган қизлар орасида Набира Есенбоева шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ҳамюртларимиздан Шаҳодат Жўллибоева (-56 кг.) иккинчи, Ақтенге Кеўнимжоева (-46 кг.) эса учинчи ўринни эгаллади.

Эркин кураш бўйича ўтказилган беллашувларда Аббос Раҳмонов ва Рустамбек Жўраев кумуш, Ҳасанбой Раҳимов, Бунёд Тожибоев, Ислом Илҳомов ва Ғулом Абдуллаев бронза медал билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар бир йилга мўлжалланган Манзилли дастури давлатимиз томонидан мазкур соҳа ривожига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир. Унга мувофиқ Республикада мавжуд оромгоҳлар моддий-техник негизи мустаҳкамланиб, янги дам олиш масканлари барпо этилмоқда.

Наманган вилоятидаги Норин туманининг Эски Ҳаққулобод қишлоғида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳомийлигида қурилиб, фаолият бошлаган оромгоҳ ҳам айни шу дастур асосида болажонлар ихтиёрига топширилди. 200 ўринга мўлжалланган оромгоҳнинг



ОРОМГОҲ ИШ БОШЛАДИ

очилиш маросимида иштирок этган меҳмонларнинг ҳайрати, дам олувчи болажонларнинг кўзида порлаган қувонч ташкилотчи ва қурувчилар меҳнатига берилган энг юксак баҳо бўлди.

4 мавсумда 800 та болага қучоқ очувчи оромгоҳ қурилишига ва жиҳозланишига 10 млрд. 800 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф этилди. Эътиборли жиҳати, ушбу маскандаги ҳар бир бино ёзги ва қишки мавсум учун мослаб жиҳозланган. Жумладан, қиз ва ўғил болалар учун ажратилган замонавий 4 та ётоқ корпусига совутиш ва иситиш ускуналари ўрнатилган. 200 ўринли ошхона биносидаги қишги ва ёзги овқатланиш залларида ҳам овқатланувчилар ва ишловчилар учун муносиб шароит яратилган. Эътиборлиси,





оромгоҳдаги ҳар бир ускуна, жиҳоз болаларнинг ёш психологиясига мўлжаллангандир.

Минифутбол, волейбол, баскетбол майдончаларида болажонлар мириқиб шуғулланишлари мумкин бўлса, доимий тозаланиб туришга мўлжалланган чўмилиш ҳавзасида сув билан ошно бўлишлари шубҳасиз.

Тўгараклар учун мосланган хоналар кенг, ёруғ, шинам, компьютерхона ва кутубхона керакли замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Тиббиёт, маъмурият ва ходимлар учун мўлжалланган биноларда эса ишловчилар меҳнати муҳофазасига катта эътибор берилган.

Мусиқий фавворадан отилаётган сув худдики қалбингизга йўл топмоқчидек тинимсиз ўйноқлайди. Ўриндиқлар усти мустаҳкам том билан ёпилган амфитеатрдаги декоратив саҳна, ўйин майдончасидаги болаларнинг ёшига ва хавфсизлигига мосланган аттракционлар эса сизни болалик салтанатига етаклаб кетгандек бўлади.

5 та ёзги шийпончада эса шахмат, шашка теннис ўйнаш ёхуд ташриф буюрган ота-оналарни кутиб олиш мумкин. Оромгоҳ ташқарисида автотураргоҳнинг барпо этилиши келувчилар учун яна бир қулайликдир.

Оромгоҳнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Баҳодир Юсупов, ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева, давлат ва жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари, ота-оналар, фахрийлар, ёшлар иштирок этишди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
"Ishonch" мухбири.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
(ЎзА) олган суратлар

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:50**
Topshirildi — **22:20**
1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma Г — 615. 18921 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133